## НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДИР...

*Бу учрашувдан кейин Эльбурс юрак ўйноқи бўлиб қолаёзди. Улуғбекнинг айтишича, у ишни бошлаб, бунинг учун юқоридаги танишларига ўзининг ёнидан 75 минг «кўки»дан берганмиш. Энди Эльбурс айтилган миқдордаги пулни бермаса уни йўқ қилармиш...*

9 бет

## ҚАРОВСИЗ НИҲОЛ «МЕВАСИ»

*Ҳаётда ўз отасининг қотилига айланган падаркуш фарзандлар ҳақида гоҳида бўлса-да, эшитиб қоламиз. Аммо "ота-онага меҳрибон бўлади" дейиладиган қиз боланинг онасини ўлдиртириш учун ёлланма қотилга мурожаат қилгани ҳақида эшитганмисиз?*

10 бет



# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 5-sentabr, №36 (869)


Бош прокуратурада

# Истиқлол тантаналари

***Озод ва обод юртга байрамлар, тўй-тантаналар ярашади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги республикамизнинг барча гўшаларида кенг нишонланди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам юртимиз истиқлолининг 22 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Бош прокуратуранинг меҳнат жамоаси, Ҳарбий прокуратура, СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари иштирок этишди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров байрам табриги билан очиб, йиғилганларни улуғ айём билан қутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан прокуратура органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек, "Йилнинг энг яхши прокурори", "Йилнинг энг яхши терговчиси", "Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси" танловлари ғолиблари аниқланди ҳамда Бош прокурорнинг буйруғи билан ўзларининг самарали ҳамда фидойи меҳнатлари билан ўрнак кўрсатган прокуратура ходимларига фахрий ёрлиқлар топширилиб, ташаккурнома эълон қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

***Бош прокурор ўринбосари Х.Халимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси делегацияси Ханой шаҳрига (Вьетнам) жавоб ташрифини амалга оширди.***

# Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Ташриф доирасида таклиф дастурига мувофиқ делегация Вьетнам Социалистик Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилиниб, Миллий Кенгаш, Адлия вазирлиги, Бай Рйа вилоятининг ҳокимияти ва прокуратураси ҳамда Хошимин шаҳри халқ прокуратурасида учрашувлар ўтказди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳамда Вьетнам Социалистик Республикаси прокуратура органларининг ташкил қилиниши, тизими ва тузилиши, фаолиятнинг асосий йўналишлари, иккала давлатларда олиб борилаётган суд-ҳуқуқислоҳотлари билан таништирилди.

Ташкил қилинган маданий дастур доирасида делегация аъзолари Ханой, Хошимин ҳамда Вунг Тау шаҳарларининг ёдгорликлари билан таништирилди.

Бош прокуратурада ташриф чоғида томонлар икки давлат прокуратура органлари ўртасида ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик, профессионал алоқаларни ўрнатиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш масаласида фикр алмашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Вьетнам Социалистик Республикаси Олий Халқ прокуратураси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоладилар.

Ташриф илиқ ва дўстона вазиятда ўтди.

**Олимжон ЖЎРАЕВ,**
Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари



Ифтихор




# Фарзандлар бахти учун барчамиз масъулмиз

***Ёшларга доир сиёсат истиқлолнинг илк даврлариданоқ давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, умуман, муносиб ворислар бўлиб етишишлари учун ҳар қачонгидан ҳам фаол ҳамда самарали ишлар олиб борилмоқда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган тилаклари ҳаётимизда ўз амалий ифодасини топмоқда.***

**Қаҳрамон ТЎЙЧИЕВ,**
Хоразм вилоят прокурори вазифасини бажарувчи

Хоразм вилоятида ҳам вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунларда вилоят прокуратураси вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси билан ҳамкорликда Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ёш авлод ўртасида истиқлолни қадрлаш, озод ва обод Ватанимиз билан ғурурланишга қаратилган тадбирларни уюштириш давом этмоқда. Ушбу тадбирлар "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, истиқлол туфайли барчамиз ва ҳар биримиз ўз қадр-қимматимизни англадик, она Ўзбекистонимиз ҳар жабҳада таянчимиз бўлиб келмоқда. Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар мевалари барчамизнинг ифтихоримизга сабаб бўлмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши ва соғлом турмуш кечириши учун зарур шароитларни тайёрлаш, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар эътирофга сазовор.

Хоразм вилояти аҳолисининг 37 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Мавжуд 6 та академик лицей ва 85 та касб-ҳунар коллежи, 531 та умумтаълим мактабларида ёш авлод вакилларининг аксарияти она Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшадиган инсон бўлиш иштиёқида билим олмоқда.

Уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида вилоятда 12 та баркамол авлод маркази, 28 та спорт мактаби, 4 та футбол мактаби ҳамда 40 та кутубхона фаолият юритиб келмоқда.

Шу билан бирга, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишларни самарали ташкил этиш, кундалик назоратни амалга ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, вилоят ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишчи гуруҳлар ташкил қилиниб, фаолият кўрсатиб келмоқда.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш ва мактаб ўқувчиларининг ўзлари хоҳлаган соҳаларни танлашларига имконият яратиш учун ҳар бир мактабда вилоятдаги 91 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари йўналишлари ва моддий-техника базасини жамлаган "Мутахассислигинг — сенинг келажагинг" шиори остида баннерлар ташкил қилинди.

/Давоми 4-бетда/

# Инсон манфаатлари устувор

*Республикамизда инсон қадр-қимматига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Башарти улар ҳақсизликка учраса, манфаатларига путур етса, тегишли идораларга мурожаат этишга ҳақли. Турли муаммолар юзасидан ёрдам сўраб, ҳаттоки таклиф ва истаклар билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам қонун билан кафолатлаб қўйилган. Бу борадаги фаолият "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.*

**Жобирхон АЗИМОВ,**
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Наманган вилоят прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган йиғилиш ҳам мазкур масалага бағишланди. Унда вилоятдаги маҳаллий ҳокимият, бошқарув, ўзини ўзи бошқариш ва назорат органлари ҳамда бошқа муассасаларда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросига бўлган эътибор, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоятдаги барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, дахлдор корхона, ташкилот, муассасалар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Унда прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларининг таҳлили ҳавола этилди.

Қайд этиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярмида прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган 170 дан зиёд текширишда 900 дан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Текшириш ўтказилган 31 та идорада мурожаатларнинг 84 таси тегишлилиги бўйича ваколатли органларга белгиланган муддатда юборилмаган. 458 та мурожаатнинг муддати ўтказиб юборилгани ҳолда, 119 таси рўйхатга олинмасдан, ҳал этилган.

Қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб қилинмайдиган аризалар 15 кун муддатда кўриб чиқилиши лозим бўлади. Бироқ маҳаллий ҳокимликларда 33 та, архитектура ва қурилиш бошқармаси тизимида 23 та, ИИБ органларида 16 та, автомобил ва дарё транспорти агентлиги тизимида 6 та, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тизимларида 5 та, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошқармаси тизимларида 4 тадан, солиқ органларида 3 та ҳолатда қонун талабига риоя этилмаган.

Бундан ташқари, бир қатор муассасаларда фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилмаган. Фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳолатлари киши кўнглини ғашлайди. Жумладан, барча муассасалар қатори вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси тизимида ҳам фуқаролар манфаатларини кўзлаб "Ишонч телефони" ташкил этилган бўлиб, унга 27 та мурожаат келиб тушган. Аммо уларнинг бирontаси ҳам кўриб чиқилмаган. Текширишлар жараёнида шу каби қонун ижросига эътиборсизлик, фуқароларнинг мурожаатига совуққонлик билан қараш каби кўплаб ҳолатлар фош этилиб, жиддий чоралар кўрилди.

Вилоят прокуратураси томонидан жойларда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш, ариза ва шикоятлар билан ишлашда ижобий натижаларга эришиш мақсадида "Вилоятдаги маҳаллий ҳокимият, бошқарув, ўзини ўзи бошқариш ва назорат органлари ҳамда бошқа муассасаларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби юзасидан йўриқнома" ишлаб чиқилди ва йиғилишда мазкур йўриқноманинг тақдимоти ҳамда у билан ишлаш тартиблари ҳам батафсил тушунтириб ўтилди.

Хулоса тайин. Ариза ва шикоятларнинг ўз ўрнида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилиши кишиларда қонунга нисбатан ишонч ҳиссини оширади. Ахир адолатнинг қарор топиши, бузилган ҳуқуқининг тикланиши ҳар кимнинг ҳам қалбидаги давлатга, ваколатли идораларга бўлган ҳурмат туйғусини юксалтиради. Фуқароларнинг мурожаатларига шу нуқтаи назар билан ёндашиш керак. Аксинча муносабатда бўлганларнинг эса қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

*Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Республика Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиётининг бош омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.*

# Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида

**Наврўз РАЙИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ёрдамчиси

Давра суҳбати иштирокчилари истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапириб, замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлигини ҳам алоҳида эътироф этдилар. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимизнинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчига, ҳарбий хизмат эса ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айланди.

Мамлакатимиз барқарорлигини, фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқи бўлиб, давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш эса давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам айнан шу билан белгиланади.

Истиқлол йилларида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари, тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили эканлигини таъкидлаш билан бирга, ушбу бебаҳо неъматни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини қайд этдилар.

# Ҳосил тақдирини белгиловчи муҳим омил

*Президентимизнинг жорий йил 12 августдаги "2013 йилда ғўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 4 та ҳудудда кўргазмали семинар ўтказилди. Тадбирда вилоят раҳбарлари, туман ҳокимлари, прокурорлар, фермерлар ҳамда мавсумга алоқадор бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.*

**Баҳриддин ҒАФФОРОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Кўргазмали семинарнинг биринчи йўналиши "Қишлоқхўжаликкимё" туман филиалида бошланиб, унда дефолиацияга жалб қилинган техникаларнинг тайёргарлиги кўрикдан ўтказилди. Иккинчи йўналишда "Қишлоқхўжаликкимё" туман филиалининг "Улуғбек химия шохобчасида" ишчиларга эритма тайёрлаш қоидалари ўргатилиб, мутахассислар томонидан дефолиацияда иштирок этувчи мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Учинчи йўналишда туманнинг "Шароф Рашидов-2" ММТП ҳудудида дефолиацияга жалб қилинадиган техникаларни ишлатиш қоидалари кўрсатиб берилди. Тўртинчи йўналиш туманнинг теримчи-ҳашарчиларни жойлаштириш учун махсус тайёрланган "Шароф Рашидов" ММТП ҳудудидаги "Меҳнат — роҳат шаҳарчаси"да давом эттирилиб, унда дефолиацияга масъул бўлган вилоятнинг барча раҳбарлари иштирок этишди. Уларнинг масъулиятини ошириш бўйича якуний йиғилиш ўтказилди ва мутасаддиларга вазифалар белгилаб берилди.

Семинарда вилоят прокурори Б.Деҳқонов сўзга чиқиб, Президентимизнинг мазкур қароридан келиб чиққан ҳолда, дефолиация қилишда қатнашадиганларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ўқитиш, меҳнат шароитларини яратиш, аванс иш ҳақи бериш, махсус кийим-бош билан таъминлаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, дефолиациянинг сифатли ўтказилиши, энг аввало, дефолиантларни ишлатиш нормалари ва белгиланган дефолиация муддатларига риоя этилиши масалаларига тўхталиб ўтди.

# Қимматга тушган олғирлик

*Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол авлод бўлиб камол топишлари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, бу имкониятдан самарали фойдаланаётган ёшларимиз билим чўққиларини эгаллаб, Ватан равнақи йўлида фаолият юритмоқдалар. Минг афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, ёшларимиз орасида бу қадар эътиборнинг қадрига етмай, калтабинлик қилиб, қалтис ишларга қўл ураётганларнинг борлигидан кўз юмолмаймиз.*

**Ф.НАРЗИЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Нурота туман бўлими инспектори

Нурота шаҳрининг марказида истиқомат қилувчи Завқиддин Раҳмонов мактабни тугатгач, Нурота қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида "Компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш" йўналиши бўйича таҳсил олади. Амалиётни ўташ даврида эса отаси М.Раҳмонов ишлайдиган туман давлат санитария ва эпидемиология марказида иш ўргана бошлайди. Шу билан бирга, курсдоши Жафар Набераев билан "Чашма" зиёратгоҳида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб, суратга олиш ишлари билан шуғулланади ва бўш вақтларида унга ёрдамлашиб туради. Кунига қанча пул ишласалар, унинг 30 фоизини Жафар Завқиддинга берар эди. Шундай қилиб, икки дўст зиёратгоҳ ёнида яшовчи Ҳомид аканинг уйида турган, У.Раҳимовга тегишли сканер ва "EPSON-PX660" русумли рангли принтер ёрдамида расмларни ишлаш билан шуғулланадилар.

2013 йил 22 май куни соат 19:00ларда фуқароларни суратга тушириб бўлган Завқиддин Ҳомид аканинг ҳовлисига келиб, рангли принтерда ҳар доимгидек расмларни чиқараётган вақтда, қизиқиб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган 1000 (минг) сўмлик купюрадаги пулни сканердан ўтказиб, чоп этиб кўради-ю, худди минг сўмлик пулнинг ўзидек бўлиб чиққанлигидан қувониб кетади. Шундан сўнг яна 9 дона минг сўмлик пулларни чиқаради. Оқибатда қасддан жиноят содир этиб, қонунбузарликка йўл қўяди.

Завқиддин қўшниси Ж.Ҳикматиллаевни учратиб, жиянларининг расмларини чиқариб бериш учун яна иш жойига келади ва минг сўм бериб туришни сўраган Ж.Ҳикматиллаевга қалбаки пуллардан бирини беради. Зиёратгоҳ ёнбошидаги боғнинг фаввораси ёнида ночор аҳволда ўтирган нотаниш қизга ҳам шу пулдан 1000 сўмини беради. Шунингдек, қўшниси билан уйга қайтаётган пайтида кўча бошидаги савдо дўконига кириб, минг сўмга 2 дона қурут сотиб олади. Дўкон эгаси Ҳайитгул опа берган 500 сўм қайтимни чўнтагига солади. Қалбаки пуллардан 2 тасини эса рангли принтерда "брак" чиққанлиги сабабли йиртиб ташлайди.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деб халқимиз бежиз айтмаган. Тез орада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан З.Раҳмоновнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Миллий пулимиз давлатимизнинг рамзларидан биридир. У халқимизнинг ифтихори ва ғурури бўлиб, давлатимиз томонидан доимо ҳимоя қилиб келинади. Уни сохталаштиришга асло йўл қўйилмайди. Шундай экан, уни сохталаштириш пайтида бўлганларнинг жазога тортилишлари муқаррар.

З.Раҳмонов содир қилган жиноят инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан ўз исботини топди. Суд унинг айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг тегишли моддаси билан 2 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

# Атроф-муҳит мусаффолиги – саломатлик гарови

*Атроф табиий-муҳитни мусаффо сақлаш ва муҳофаза қилиш азал-азалдан халқимизнинг турмуш тарзига айланган энг яхши фазилатлардан саналади. Уй-жойларнинг саранжом-саришталигига, кўчалар, маҳалла ва хиёбонлар, ишхоналарнинг тоза ва озода сақланишига алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани ҳам бу соҳада фаолиятни янада кучайтиришга имкон берди. "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу ҳуқуқий асоснинг таркибий қисми сифатида атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

**Юсуфали ЭШОВ,**
Бош прокуратура
бошқарма катта прокурори

Прокуратура органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид қонунлар ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан доимий назорат ўрнатилган. Хусусан, жорий йилнинг май-июнь ойларида прокуратура органлари томонидан "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа идоралар тизимида текширилди. Албатта, юқоридаги қонун ижроси борасида масалага масъул давлат органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилганини эътироф этиш ўринли бўлади. Жумладан, табиатни муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий жамғармалари ҳисобидан текшириш қамраб олинган 2012 йил ва 2013 йилнинг биринчи чорагида жами 500 млн. сўмга яқин маблағ экологик соғломлаштириш ишлари учун сарфланган.

Лекин шу билан бирга, текширишлар мутасадди идораларнинг мансабдор шахслари томонидан соҳага оид қонунчилик ижросини етарли даражада таъминламаслик, қонун билан берилган ваколатлардан тўлақонли фойдаланмаслик, санитария, меҳнат ва фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳамда бошқа қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди. Хусусан, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги томонидан маиший-рўзғор чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш давлат дастурлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасида бирон-бир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган, ўзаро ҳамкорликда бажариладиган вазифалар белгилаб олинмаган.

"Чиқиндилар кўмиб ташланадиган жойларнинг давлат кадастри"га кўра, қаттиқ маиший чиқиндиларни сақлашга мўлжалланган чиқиндихоналарнинг умумий сони 179 тани ташкил этиб, уларнинг 155 таси маҳаллий ҳокимият, 18 таси хусусий ташкилот, 5 таси бошқа тизимга қарашли, 1 таси эгасиз чиқиндихона ҳисобланади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни сақлашга мўлжалланган чиқиндихоналардан 148 тасининг атрофи умуман ўралмаган. Қонун талабларига зид равишда мавжуд чиқиндихоналарнинг 131 таси бўйича экологик экспертиза, 153 таси бўйича санитария-гигиена хулосаси олинмаган. Хусусан, Андижон, Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги чиқиндихоналарда экологик экспертиза, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ва Хоразм вилоятларидаги чиқиндихоналарда эса санитария-гигиена хулосаси умуман мавжуд эмас.

Давлат санитария назорати органлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг масъул мансабдор шахслари томонидан ҳудудларни тозалаш тизимини яратиш, чиқиндиларни ноқонуний ташлашга йўл қўймаслик ва ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши устидан идоравий назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида республикада 87 та рухсат этилмаган чиқиндихона ва 588 та чиқинди ташлаш жойлари юзага келгани ачинарлидир. Масалан, Тўрақўрғон туманидаги "Исфахон" ва "Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги "Косонсой" сойи қирғоқларидаги ноқонуний чиқиндихоналарда 150 тоннадан зиёд маиший чиқиндилар тўпланганлиги қайд этилди. Шунингдек, Қўрғонтепа туманидаги С.Раҳимов маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли хонадонларидан чиқаётган маиший-рўзғор чиқиндилари "Шаҳрихонсой" канали ёқасига ташланиб, 50 квадрат-метр майдонни эгаллаганлиги аниқланди. Бу каби ҳолатларни бошқа ҳудудларда ҳам учратиш мумкин.

Бундан ташқари, Бош давлат санитария врачи томонидан 2004 йил 12 июлда тасдиқланган "Ўзбекистон шароитида қаттиқ маиший чиқиндиларни махсус полигонларда сақлаш ва зарарсизлантиришга оид санитария талаблари" бузилиб, чиқиндихоналарнинг 113 тасида регламент, 116 тасида ишлаш режими, 120 тасида чиқинди қабул қилиш тартиби, 126 тасида чиқинди паспорти ишлаб чиқилмаган. 110 тасида чиқиндилар ҳисоби юритилмаган, 116 тасида санитария ҳимоя, кузатув зонаси мавжуд эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам қонун ижроси борасида амалга оширилаётган ишларни етарли, деб бўлмайди. Хусусан, Навоий, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид маҳаллий дастурлар тасдиқланмаган ҳамда ижрога қаратилмаган. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилишга мўлжалланган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг туман-шаҳар ҳокимликлари томонидан тўғри йўлга қўйилмаган.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 305 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний ҳужжатларга 93 та протест келтирилди. 49 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилиб, 562 нафар мансабдор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 331 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, Бош прокуратура томонидан ўтказилган текшириш натижасига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси раҳбарлари номига тақдимномалар киритилди. Тақдимномалар ушбу идораларнинг кенгайтирилган йиғилишларида кўриб чиқилиб, натижаси бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарган сабабларни амалда бартараф этилиши назоратга олинди.

Бундан ташқари, прокуратура органларининг аралашуви билан атроф табиий-муҳитнинг ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун 45,8 млн. сўм миқдоридаги компенсация тўловларидан қарздорлик ихтиёрий равишда ундирилди. 44 та рухсат этилмаган чиқиндихона ва 263 та чиқинди ташлаш жойлари амалда бартараф этилиб, ноқонуний ташланган 11419 тонна чиқинди қаттиқ маиший чиқиндиларни сақлашга мўлжалланган махсус полигонларга жойлаштирилди ҳамда аҳоли яшаш пунктларига чиқинди ташлаш учун қўшимча 1459 та махсус идишларнинг ўрнатилиши таъминланди.

Албатта, кўрилаётган чораларнинг барчаси атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлашга хизмат қилади. Айни пайтда соҳадаги ишларни янада яхшилаш учун аҳоли ўртасида экологик маданият тарғиботини кучайтириш ҳам кўзланган натижага эришишнинг муҳим воситаси эканлигини унутмаслигимиз лозим.

*Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича текшириш ўтказилди. Унда айрим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, Жиззах туманидаги "Учқиз-Янгиқишлоқ" МФЙда 14 ҳолатда 16(18) ёшга доир 5 599,3 минг сўмлик, 43 та ҳолатда 2 ёшгача нафақалар тайинлашда 61,3 млн. сўмлик, жами 57 та ҳолатда 66,9 млн. сўмлик нафақалар ноқонуний тайинланган бўлиб, шундан 28,1 млн. сўми тўлаб юборилган.*

# Нафақа пули кимга берилаяпти?

**Акмал БЕГМАТОВ,**
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Жиззах шаҳридаги "Иттифоқ" МФЙ мансабдор шахслари томонидан эса 2012 йил давомида 77 нафар фуқарога 27 937,6 минг сўмлик нафақа ва моддий ёрдам маблағлари ноқонуний тўланган.

Бахмал туманидаги "Сарой" МФЙ раиси З.Ибрагимов ва котиб К.Рисқуловлар оилаларнинг моддий ва мулкий аҳволини текшириш комиссияси аъзолари иштирокисиз фаолият олиб боришган. Жумладан, нафақа тайинлаш ҳақида мурожаат қилган фуқаролар Г.Эшонқулова ва бошқалар оилаларининг моддий ва мулкий аҳволи текширилганлиги ҳақида сохта далолатномалар тузишган. Ҳужжатларда комиссия аъзоларининг имзолари сохталаштирилган. Ушбу ҳужжатларга асосан қабул қилинган йиғилиш қарорлари билан 27 нафар фуқарога 16,1 млн. сўм нафақа тайинланиб, шундан 2012 йил 1 май кунига қадар 6,7 млн. сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинган. Бундан ташқари, К.Рисқулов томонидан фуқаролар З.Равшанова ва Г.Пардаеванинг номидан нафақа тайинлаш ҳақида сохта аризалар ёзилиб, имзоланган ҳамда ушбу ҳужжатларга асосан МФЙ ҳузуридаги комиссиянинг йиғилиш қарори билан З.Равшанова ва Г.Пардаевага 2011 йил 1 декабрдан 2012 йил 31 майгача 16(18) ёшгача фарзандлари учун 755 минг сўм нафақа тайинланиб, ноқонуний тўланган.

Мазкур МФЙ комиссиясининг 2010 йил 29 ноябрдаги йиғилиши қарори билан О.Ибрагимовага 16(18) ёш фарзандлари учун 2010 йил 1 декабрдан 2011 йил 1 июлгача нафақа тайинланган бўлса-да, котиб К.Рисқулов томонидан 2011 йил июнь-ноябрь ойлари учун тузилган тўлов қайдномаларига О.Ибрагимованинг фамилияси киритилиб, тўлов қайдномалари қалбакилаштирилган. Натижада 2011 йил июнь-декабрь ойларида жами 547 минг 666 сўм нафақа пуллари ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилинган.

Айрим фуқаролар йиғинлари томонидан фуқароларга нафақа тайинлашда комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этмаган ёки оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ жамланмасдан, оиланинг моддий, мулкий аҳволи ўрганилмасдан қарор қабул қилинишига йўл қўйилган. Мисол учун, Зафаробод туманидаги "Чимқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинида фуқаролар Д.Тўраева, О.Қудратова, Н.Бойбекова, Ч.Ибрагимова ва Н.Арслоновага вояга етмаган фарзандлари учун нафақа тайинлашда уларнинг оилавий даромади тегишли талаблар асосида ҳисобланмаганлиги оқибатида 2,3 млн. сўм, "Ҳулкар" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар З.Эргашева, Н.Равонова, С.Ниятова, Х.Ариповаларнинг оилавий даромадлари нотўғри ҳисобланганлиги оқибатида уларга жами 716,3 минг сўм, "Бирлик" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 3 нафар фуқарога 716,3 минг сўм, "С.Синдаров" ҚФЙ томонидан 5 нафар фуқарога 2,1 млн. сўм нафақа тўловлари нотўғри тайинланган. Текшириш натижасига кўра, масъул шахслар томонидан етказилган 892 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган.

Арнасой туманидаги "Бўстон" қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган текширишда М.Худоёровага 2 нафар 14 ёшгача фарзанди учун нафақа тайинлашда турмуш ўртоғи И.Худоёровнинг ишсизлар рўйхатида турганлиги тўғрисида туман бандликка кўмаклашиш марказидан маълумотнома олинмасдан 382 минг сўм нафақа пули нотўғри тайинланиб, 127 минг сўми тўлаб юборилганлиги аниқланган.

Шу каби "Бўстон" ҚФЙ томонидан жами 4 та ҳолатда 3,2 млн. сўмлик, "Янгибўстон" ҚФЙ томонидан 2 ҳолатда 811,8 минг сўмлик нафақа нотўғри тайинланиб, 160 минг сўми тўланган. 10 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, 1,3 млн. сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган. Шунингдек, Дўстлик туманидаги "Алишер Навоий" МФЙда ҳам шу каби қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Фуқаро Ф.Лутфуллаевага 2 ёшгача фарзанди учун оиланинг ўртача даромади ва бошқа керакли ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса-да, 2013 йил март ойидан 12 ой муддатга жами 1,9 млн. сўмлик нафақа пули тайинланиб, шундан 159 минг сўми ноқонуний тўлаб юборилган.

/Давоми 8-бетда/

**· Саҳифаларда Хоразм вилояти**



# Фуқаро мурожаати – эътиборда

**Умидбек ХУСАИНОВ,**
Қўшкўпир туман прокурори

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг тегишли давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган ва аризага тегишли тартиб ҳамда муддатда жавоб берилиши кўрсатилган. Ушбу тамойил асосида қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг мурожаат этишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизми белгилаб берилган.***

Қўшкўпир туман прокуратураси томонидан ушбу қонун ижросини таъминлаш, назорат қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Туман прокуратурасида фуқароларнинг қабули қатъий жадвал асосида амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини қонуний кўриб чиқиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда қонун ижроси назорат қилинмоқда. Яқинда туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижроси ўрганилди.

Аниқланишича, туман ҳокимлигига жорий йилнинг 5 ойи мобайнида фуқаро ва юридик шахслардан 906 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Мурожаатлар мазмун-мундарижасини таҳлил қилганимизда, уларнинг биттаси банк кредити, 8 таси моддий ёрдам, 14 таси ширкат ва фермер хўжаликлари, 876 таси уй-жой ва ер олиш, 2 таси ободонлаштириш, 1 таси электр ва газлаштириш, 1 таси маҳалла ва ҚФЙ, 1 таси оила ва 2 таси бошқа масалаларга бағишланган аён бўлди.

Туман ҳокимлиги биносида юқорида қайд қилинган қонун, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва соатлари жадваллари илиб қўйилиб, фуқаролар эътиборига етказилган ва масъул шахслар қабул вақтлари белгилаб қўйилган. Фуқароларни қабул қилиш, мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш ҳисоб ва ҳисоботини юритиш, мурожаатлар бўйича иш юритиш белгиланган тартибда олиб борилган.

Бироқ туман ҳокимлигида кўриб чиқилган мурожаатларнинг кўпчилигида ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш учун заруратга қараб қўшимча ахборот, маълумотнома ва материаллар тўпланмаган. Бундан ташқари, шикоят қилиб келинган давлат органларининг ўзидан аризада кўрсатилган ҳолатлар бўйича жавоб олиниб, ариза муаллифларига жавоб хати юборилган. Масалан, "Қатағон" қишлоғи "Баратлар" маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Аҳмедов ва бошқаларнинг туман электр тармоқлари корхонаси ходимларининг ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси юзасидан корхона маъмуриятидан сифатсиз маълумот олиш билан чекланилиб, ариза муаллифларига жавоб хати юборилган. Бундай ҳолатга 1-сонли маҳаллада яшовчи фуқаро О.Нуржоновнинг "Қўшкўпиртумангаз" филиали ходимлари ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризасини ҳал қилишда ҳам йўл қўйилган бўлиб, корхона раҳбаридан маълумот олиш билан чекланилган.

Ҳокимликда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятлар белгиланган тартибда умумлаштирилиб, таҳлил қилиб борилмаган. Барча мурожаатларнинг ҳал қилинишида маълумотнома ва материаллар тўпланмасдан сифатсиз жавоб хатлари бериб келинган. Қўшимча текшириш талаб қилмайдиган аризалар ҳам бир ойлик муддатда кўриб чиқилган. Айтайлик, "Кенагас" кўчаси 6^А-уйда яшовчи фуқаро Н.Хайитбоеванинг марҳум турмуш ўртоғи И.Жабборов номида бўлган уйга қайтадан эгалик ҳуқуқининг белгилаб берилишини сўраб ёзган аризасига "аризангиз бўйича ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмагансиз" деган мазмундаги жавоб хати 22 кунда юборилган.

Айрим аризаларнинг ҳал қилиш муддатлари бузилган. Масалан, "Юлдуз" МЧЖ раҳбари О.Камоловнинг Қўшкўпир туман "Янгилик" қишлоғида жойлашган саноат базаси бир қисми бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини белгилаб берилишини сўраб ёзган аризаси 2013 йил 4 мартда туман ҳокимлигида кирим қилиниб, туман ҳокими М.Аллабергановнинг муносабат белгиси билан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Султоновга юклатилган бўлса-да, мазкур ариза 3 ойу 11 кун мобайнида кўриб чиқилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Охироқибат тадбиркор туман прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Шунингдек, айрим аризаларга эътиборсизлик масъулиятсизлик, ўзибўларчилик кайфиятида ёндашилган, мурожаатларни умуман ёки белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Айтайлик, "Ғозовот" қишлоғида яшовчи фуқаро А.Ражабов қишлоқнинг фойдаланилмасдан турган ер майдонида аҳолига хизмат кўрсатиш учун сартарошхона ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши учун ер майдони танлаб берилишини сўраб ёзган аризаси туман ҳокимлигида 2013 йил 30 апрелда рўйхатга олиниб, аризани кўриб чиқиш учун туман ҳокимлиги мутахассиси Қ.Якубов ҳамда туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Р.Матякубовга юклатилган. Бироқ текшириш кунигача ариза натижаси назорат қилинмагани оқибатида ариза бир ойдан ортиқ вақт мобайнида кўриб чиқилмаган.

Туман ҳокимлигида ўтказилган текшириш натижаларига кўра, бир қатор мутасаддиларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди ва туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Биз ҳуқуқий демократик жамиятда яшар эканмиз, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ҳамда ундан самарали фойдаланиши лозим бўлади. Қўшкўпир туман прокуратураси фуқароларнинг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш чора-тадбирларини кўришда давом этади.

# Кенг кўламли тадбирлар

## Ўз самарасини бермоқда

**Бахтиёр КАСИМОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи

Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, соҳада қонун устуворлигини таъминлаш тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш, содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида мунтазам равишда тегишли тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирлар самараси сифатида жорий йилнинг биринчи ярмида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 123 та жиноят ва 53 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича эса суд ҳукмига асосан жазо муқаррарлиги таъминланди. Давлат бюджетига 5195,2 миллион сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, шундан 1103,3 миллион сўми ундирилишига эришилди. Давлат ва жамият манфаатларига 3445,6 миллион сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланиб, 1250,1 миллион сўми қопланди. Шунингдек, 536,6 миллион сўмлик ноқонуний муомалага киритилган товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.



Республика Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг "Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари талабларининг бажарилиши доимий эътиборда. Шу мақсадда этил спирти, акциз маркасиз, қалбаки акциз маркали спиртли, алкоголли ва пиво маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, контрабанда йўллари билан олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш юзасидан олиб борилган тадбирлар жараёнида 3 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 3,2 миллион сўмлик алкоголли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Шу билан бир қаторда, бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлган одам савдосига қарши курашиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда ва бу борада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган тадбирлар натижасида 2 та жиноят фош қилинди.

Департаментнинг Боғот туман бўлими ходимлари томонидан туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг аризаси юзасидан ўтказилган тадбир натижасида, Боғот тумани Ўзбекистон кўчаси 6-уй 1-хонада яшовчи Муяссар Ҳаитованинг одам савдоси билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро М.Ҳаитовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳияти юзасидан кенг омма, айниқса, тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ва профилактика ишлари олиб борилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 1848 та ана шундай тадбир ўтказилди. 36 та чекка қишлоқларда юқоридаги мазмунда мулоқотлар, давра суҳбатлари, тадбирлар ташкил қилинди. Бу каби тадбирлар натижасида 86 та хўжалик юритувчи субъектга амалий ёрдам кўрсатилиб, 143 та янги иш ўринлари яратилди. Янги ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 231 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.



# Нияти улуғ, қадами қутлуғ

***Бахтимиз ва толеимиз каҳкашони Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамини кутиб олдик. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида истиқомат қилаётган яхши ниятли инсон борки, бу қутлуғ кунни ўзгача севинч, ўзгача қувонч, қолаверса, ўзгача ғурур ва ўзгача ифтихор билан қаршилади.***

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Негаки, халқимизнинг беғубор тилаклари айнан Истиқлол шарофати туфайли ижобат бўлди. Мустақиллик азалий қадриятларимиз, поймол бўлган урф-одатларимиз, мудраб ётган анъаналаримизнинг қайта қад ростлашига замин яратди. Юртимиз жаҳонга, жаҳон эса юртимизга юз тутди. Жаҳонда ўз номинг, ўз ўрнинг борлиги, пайти келса, не-не довруғли мамлакатлар ҳудудида ўз мадҳиянг янграб, ўз байроғинг ҳилпираб туриши ғururингга ғурур қўшади, дилингга роҳатбахш сурур бўлиб қуйилади. Ахир кечагина буларнинг бари биз энтикиб-энтикиб эшитишни истаган, лекин биров овоз чиқариб айтишга ботинолмайдиган ёқимли эртак эмасмиди?

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилмоқдаки, буни ҳар биримиз турмуш тарзимиздаги ўзгаришларда кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, мамлакатнинг қон томири — йўллар қурилишига устувор аҳамият қаратилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш, юк ва йўловчи ташиш ишларини такомиллаштириш соҳа олдида турган энг устувор вазифа этиб белгиланди. Шу ўринда Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси билан бунёд этилган иккита йирик темир йўл магистрали — "Навоий-Учқудуқ-Султон Увайс-Нукус" ва "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" пўлат из йўналишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, бу йўллар нафақат мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётини юксалтиришга, балки Ўзбекистоннинг транспорт-коммуникация салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Масалан, "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли ишга туширилгач, минтақанинг табиий ер ости бойликларини ўзлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Бу ерда кўплаб саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, маиший объектлар қад ростлади, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Энг муҳими, янги йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга қисқарди. Натижада ташилаётган транзит ва маҳаллий юклар салмоғи сезиларли микдорда кўпайди.

Янгидан бунёд этилган минглаб чақирим равон йўллар, мустаҳкам кўприклар бугунги кунда халқимизга, иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлигига беминнат хизмат қилаётгани шубҳасиз қалбимизга ғурур бағишлайди. Бу йўллардан ўтган чоғимизда уларнинг обод турмуш ва тараққиётимиз тимсоли эканлигини яна бир бор ҳис этамиз. Халқимизнинг яратувчанлик қудрати ва келажагимизга ишончимиз тобора ошади. Келажакда эса она диёримизнинг йўллари энига янада кенгаяди, бўйига эса янада узаяди. Жаҳон андозаларига мос текис, равон ва чидамли йўллар барпо этилади.

Асака шаҳридаги "General Motors Uzbekistan" компаниясида ишлаб чиқарилган машиналар жаҳон стандартларига мослиги, қулайлиги, хавфсизлиги, ишончлилиги ва тежамкорлиги билан мана-ман деган машҳур автомобил маркалардан қолишмайди. Самарқанддаги "SamAvto" заводида ишлаб чиқарилаётган "Isuzu" русумли автобуслар, юк автомобиллари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари — автофургон, сув ва чиқинди ташийдиган машиналар, автоминоралар, "Jv MAN Avto-Uzbekistan" қўшма корхонасида эса замонавий юк ташиш автомобилларининг ишлаб чиқарилаётгани дунёни ҳаваслантирмоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, халқаро молиявий бўҳрон туфайли дунёнинг 54 мамлакати аҳолиси 1990 йилга нисбатан қашшоқлашган, йигирмадан ортиқ мамлакат аҳолисининг асосий қисми очликдан азият чекмоқда. 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси, 12 мамлакатда эса болаларнинг бошланғич мактабга қатнаш кўрсаткичи 1990 йилдагига қараганда пасайган. Аксарият давлатларда аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, таълим ва соғлиқни сақлаш каби ҳаётий муҳим тармоқларда орқага кетиш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда кейинги йигирма йилда Ўзбекистон аҳолисининг реал даромадлари жон бошига етти баробар, ўртача пенсия микдори қарийб тўққиз баробар, ўртача ойлик ўн саккиз баробар ошди.

Мамлакатимизнинг ёшига ёш қўшилгани сайин ватандошларимизнинг умри ҳам узайиб бораяпти. Одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етиб, оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлимининг эса 3,2 баробар камайишига эришилди. Бу фаровонликдан, беками-кўстликдан далолат эмасми?

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг таянч устуни — бу, шубҳасиз, таълим-тарбия соҳасидир. Чунки, замон талаблари асосида чуқур ва пухта билим олган ёшларгина мамлакат келажагини белгилайди, унинг ривожига муносиб ҳисса қўша олади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия соҳаси тубдан ислоҳ этила бошланди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш натижасида республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ўзига хос шакли яратилди. 2012 йилда Ўзбекистон таълим тизими соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича 75,38 балл тўплаб, ушбу рейтинг рўйхатида дунёда иккинчи ўринни эгаллади. Бу юқорида қайд этганимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг амалий натижаси эмасми?

Шўро ҳукумати даврида қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш ҳақида кўп гапирилар, баландпарвоз шиорлар ҳар томонга осиб қўйилар, амалда эса қишлоқ билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Қишлоқ ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг яшаш шароити ҳеч кимни қизиқтирмасди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач эса, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ аҳли учун қурилаётган янги, намунавий лойиҳалардаги уй-жойларни кўриб, дилинг яйрайди. Бепоён кенгликларда барпо этилаётган бу замонавий шаҳарчалар кўзингга тўтиё бўлиб кўринади гўё. Бундай бунёдкорлик ишларининг амалга оширилишида Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

2010-2012 йилларда биргина Қашқадарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2410 та уй-жой қурилди. Ўтган йилларда намунавий уй-жой массивларида жами 119 та ижтимоий ва бозор инфратузилма объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди, 76,5 километр газ, 57,1 километр электр ва 157,2 километр ичимлик суви тармоқлари қурилди. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 1090 та уй-жой қурилиши учун 34 та массив танланди ва "Ўздаварxитект-қурилиш" қўмитаси томонидан маъқулланиб, қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Эришаётган ютуқларимизнинг ҳаммаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат ва миллатлараро тотувлик туфайлидир. Президентимиз бир маърузаларида тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди, деганлари бежиз эмас. Истиқлол йилларида халқимиз эришган энг улкан ютуқ мамлакатимизда барқарор сақлаб қолинган тинчлик-осойишталикдир. Бу, аввало, халқимизнинг эртанги кунига мустаҳкам ишончи демакдир. Негаки, юртингда тинчлик-осойишталик бўлмаса, эртанги кунга ишонч қолмайди, ичадиган бир пиёла чойинг ҳам татимайди. Элдан хайру барака кўтарилади. Тинчлик туфайли ҳаётимиз фаровон. Буни ҳар биримиз яхши тушуниб етишимиз керак.

Бизнинг бахтимиз — эртанги кунимиздан, тинч-осойишта ҳаётимиздан кўнглимизнинг тўқлигида, Юртбошимиз фахр-ифтихор билан таъкидлаб айтганидек, халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигига ишонади. Инсоннинг энг катта бойлиги, саодати шу — эмин-эркин яшашида, хотиржамлигида. Бугун мустақиллигимизни, суверен давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини, осмонимиз беғуборлигини таъминлашга қодир, замонавий имкониятларга эга миллий армиямиз борлигидан фахрланамиз. Азамат ўғлонларимиз Ватан ҳимоясини, Қуролли Кучларимиз сафида садоқат билан хизмат қилишни ўзлари учун муқаддас бурч, катта шараф деб биладилар.

Инсон ҳамма нарсани танлаши мумкин. Аммо ота-она ва Ватанни танлай олмайди. Ким қаерда ва қачон туғилиши — инсоннинг ўзига боғлиқ эмас. Не бахтки, Сиз билан биз Ўзбекистонда туғилдик. Не бахтки, Ватанимиз истиқлолга эришганини кўриш бахти Сиз билан бизга насиб этди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг ҳаётбахш самараларига халқимизнинг ўзи гувоҳ — кундалик турмушда кўриб, билиб, сезиб турибди.

Эҳтимол, ҳамма ҳам қаҳрамон бўлавермас. Аммо барчамиз ўз ишимизга, вазифамизга сидқидилдан ёндашишга, ҳалол меҳнат қилишга масъулмиз. Ана шунда "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган қутлуғ шиорнинг кучини, моҳиятини қалбан ҳис этамиз. Ана шундагина киндик қонимиз томган замин олдида ҳамиша таъзим қилиб, ундан ҳар доим қарздор эканлигимизни юракдан ҳис этиб, чин дилдан меҳнат қиламиз. Шунда мамлакатимиз тараққиёт топади. Тараққиёт эса изланиш маҳсули. Ана шу изланиш ортидан келадиган тараққиётни бошқарадиган эса — инсон.

Президетимиз Ислом Каримов раҳнамолигида меҳнаткаш, интилувчан, таъбир жоиз бўлса, "тошдан гул ундирадиган" халқимизнинг ғайрат-шижоати сабаб босиб ўтаётган ҳар бир қадамимизда бир ютуқ, ўсиш ва ўзгариш бор. Чунки, халқимиз бир-бирига ҳасад қилиб эмас, балки ҳавас қилиб яшайди. Ана шу ҳавас эса уларни ҳаракатга, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳеч кимдан кам бўлмасликка ундаяпти.

# Мустақиллик — бебаҳо неъмат

***Мустақиллик бу эркинлик, орзу-умидларнинг ушалиши, муштараклиги, келажакка ишонч, тараққиёт сари дадил қадамлар, демакдир. Истиқлол бизга узоқ йиллар кутилган ёруғ кунларни қадрлашни, миллий-маънавий меросларимиз, қадриятларимизни эъзозлашни ўргатди. Эндиликда ўз ривожланиш йўлимиз, улкан мақсадларимиз бор.***

Нодирбек РАҲМОНОВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Истиқлолга эришганимизнинг 22 йиллик тўйини кўтаринки руҳда нишонладик. Байрам кунлари меҳр-мурувватга муҳтож етим-есирлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг аҳволидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдамларини ташкил этилди.

Бугун тез суръатлар билан илгарилаётган тараққиёт жараёнида ҳар бир мамлакат дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, истиқлолга эришиб, ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олган ёш давлатлар миллий тараққиётнинг ҳар бир босқичида босиб ўтилган давр ва амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаларини сарҳисоб қилиб боради. Шу маънода, ўтган қисқа даврда юртимизда амалга оширилган ишлар юз йилликларга татийди. Кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда янгиланишлар эса мазмун-моҳиятига кўра, юрт тинчлиги, ободлиги, эл фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад ва муддаомизга ҳамоҳанг эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу йиллар давомида эришган энг катта ютуғимиз — фаровон ҳаёт бўлди, десак адашмаган бўламиз.



Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юксак натижалар бераётганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хусусан, 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ва бунга биноан Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам ушбу муҳим вазифанинг изчил бажарилишига қаратилди. Мамлакатимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг кенг кўламда қурилаётгани ва тегишли инфратузилма шаклланаётганлиги, фуқароларимизнинг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор қаратилаётганлиги ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Бунёдкорлик ишларининг авж олиши билан бир қаторда, таълим, спорт, машинасозлик, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларга эришилаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бунинг исботи эса тобора чирой очиб бораётган юртимиз жамолида, мўл-кўл хирмонлар, жойларда юз бераётган туб ўзгаришларда намоён бўлмоқда.

Истиқлол ҳақиқатдан ҳам ўзликни англаш, халқимизнинг асрий қадрият ва анъаналарига қайта жон бағишлаш билан бирга, мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиш имкониятини ҳам берди. Мустақил тараққиёт йўлимиз Ватанимиз учун барча жабҳаларда ривожланиш, юксалиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганлигининг ўзи ҳам қалбларимизни ғурур ва ифтихорга, қувончларга тўлдиради. Тинчликсевар юртимиз нафақат ўз сарҳадларида, балки қўшни давлатларда, дунёнинг ҳар бир бурчагида ҳам омонлик, осудалик ҳукм суришини хоҳлайди ва бу ишга ўз ҳиссасини қўшишдан чарчамайди.

# Замонавий меъёр

*Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.*

**Ҳалим НАЗАРОВ,**
Бош прокуратура бўлим прокурори

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини чуқур англаб етиши, меҳнатлари натижасига бўлган муносабатлари, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасида дунёқарашининг тубдан ўзгариши, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида судларга бўлган ишончнинг ортиши республика хўжалик судлари томонидан кўрилаётган ишларнинг кўлами ҳамда низолар сонининг кун сайин ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Иқтисодиёт соҳасида юзага келаётган низоларни ўз вақтида ва сифатли ҳал этиш эса бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг жадаллашуви, жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражасининг ошиши, хўжалик низоларини кўриб, ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда хўжалик судларига киритилаётган даъво аризалари ва илтимосномалар бўйича қулайликлар яратиш мақсадида 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, амалдаги Хўжалик-процессуал кодексининг айрим моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу сабабли, хўжалик-процессуал қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгартириш натижасида тадбиркорлик субъектларига бир қанча қулайликлар яратиб берилди. Жумладан, хўжалик судига мурожаат қилиш ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиниши, суднинг ажримлари ва қарорлари тарафларнинг электрон манзилларига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги жорий этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Фармонга биноан, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда бериш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу ўз навбатида судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни тақозо этиб келмоқда.

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-тамойилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шаклларини ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Шубҳасиз, бу каби қулайликлар замонавий технологиялардан фойдаланиш ва махсус қонунчилик нормаларига боғлиқдир.

Вилоятимизнинг чекка туманларида фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида хўжалик судларига даъво аризаси ёки илтимоснома билан мурожаат қилиш учун вилоят марказларида жойлашган хўжалик судларига мурожаат қилишларига тўғри келар, даъво аризаларни почта орқали ёки ўзлари олиб боришлари анча-мунча вақт ва маблағ талаб этарди.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиб бериш мақсадида хўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича замонавий марказлаштирилган электрон дастурий таъминот жорий этилди.

Ушбу қулайликлардан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳозирги кунга қадар хўжалик судларига 350 дан ортиқ даъво аризалари электрон шаклда тақдим этилган.

Бу каби чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик субъектлари учун қулайликлар яратиш, уларнинг вақти ва маблағларини тежаш ва одил судловни амалга оширишдан иборатдир.

# Мустаҳкам оила — жамият таянчи

*Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида оилага "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади", деб таъриф беради.*

**Акмал ҲАМРОҚУЛОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи



Дарҳақиқат, оиланинг жамиятдаги ўрни беқиёсдир. Оила инсон маънавиятини шакллантирадиган мезон, жамият тараққиётини юксалтирадиган омил, миллий анъаналарни давом эттирадиган макон сифатида улуғ қадриятдир.

Шу боис мамлакатимизда оиланинг жамиятда тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Маълумки, никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос, омил бўлиб хизмат қилади. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Никоҳ муносабатлари қанчалик соф, эркин, ихтиёрий, шунингдек, давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузилса, албатта, шу оиланинг мавқеи, обрўйи ошади, шунингдек, ушбу оилада вояга етиб келаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳда бўлиш эр билан хотин ўртасидаги оддий муносабатларнинг ҳуқуқий муносабатларга айланишига олиб келади. Чунки, никоҳ эр ва хотин ўртасида ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Шунга кўра, диний расм-русумларга биноан, яъни шаръий никоҳ орқали никоҳга кирилганда ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келиб чиқмайди ва бундай никоҳ расмий кучга эга эмас.

Никоҳ тузишда диний маросимларга амал қилиш инкор этилмайди, чунки бу никоҳга кирувчиларнинг шахсий эътиқодига боғлиқ бўлиб, улар никоҳни қонуний қайд этишдан олдин ёки кейин диний расм-русумларга биноан ўтказишлари мумкин. Шаръий никоҳ эр-хотинга тегишли бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос бўлмайди. Никоҳ белгиланган тартибда ФҲДЁ органларида қайд этилганидан бошлаб эр-хотин ўртасида ва улардан туғилган болада ҳам қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади.

Афсуски, бугунги кунда ёшлар, айниқса, вояга етмаган шахслар ўртасида шаръий никоҳ асосида турмуш қуриш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Натижада шаръий никоҳ бекор қилингач, мулкий масалалар юзасидан айрим муаммолар келиб чиқмоқда. Чунки, никоҳни тегишли тартибда қайд эттирмасдан туриб эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг мулкини биргаликдаги умумий мулк деб топиш учун асос бўлмайди...

Баъзи ота-оналар ушбу ҳуқуқий асосларга енгил-елпи қараб, ҳали тўла вояга етмаган, оила қуришга тайёр бўлмаган, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушуниб етмаган фарзандларини шаръий никоҳ асосида турмуш қуришга ундаши натижасида нафақат мулкий, балки тиббий муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда.

Шу боис бу борадаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш зарурати туғилди. 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-3-моддаси бўйича эндиликда никоҳ ёшига етмаган шахс билан амалда никоҳ муносабатларига киришиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача жарима солишга олиб келади.

Қонунга мувофиқ, бундай вазиятда никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланди. Бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланган дин намояндалари энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача жаримага тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-1-моддасига асосан никоҳ ёшига етмаган шахс билан амалда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ой қамоқ билан жазоланади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу қонунда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни кенг тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш долзарб вазифалардан биридир. Бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида амалга оширилаётган тарғибот ишларини янада кучайтириш, ёшлар ўртасида қонуний никоҳнинг афзалликларини тушунтириш, эрта турмушнинг олдини олиш бўйича қонунчилигимизга киритилган янгиликлар моҳиятини кенг аҳолига етказишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, мамлакатимизда оила институти ижтимоий ҳаётда тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллаб бормоқда. Оила масалаларини илмий-амалий ўрганишда миллий ва диний қадриятларимизнинг аҳамиятига катта эътибор берилиши эса бу борада катта имкониятларни вужудга келтирмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга, уларнинг ҳуқуқлари таъминланишига кафолат бўлиб хизмат қилади.

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

# Нафақа пули кимга берилаяпти?

"Алишер Навоий" МФЙ томонидан эса 4 та ҳолатда 4,4 млн. сўмлик, "Қаҳрамон" ҚФЙда 3 нафар фуқарога 2,8 млн. сўмлик, "Саритепа" ҚФЙда 3 нафар фуқарога 1,3 млн. сўмлик, "Янгиобод" ҚФЙ томонидан 3 нафар фуқарога 2,5 млн. сўмлик, "Ғ.Ғулом" МФЙ томонидан 4 та ҳолатда 2,9 млн. сўмлик нафақа ноқонуний тайинланиб, 588,9 минг сўми тўлаб юборилган. Текширишлар натижасига кўра, 14 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган. Қонунга зид қарорларни бекор қилиш ҳақида 21 та протест келтирилиб, 588,9 минг сўмлик зарарни ундириш ҳақида судга 3 та даъво аризаси киритилган.

Айрим қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари даражасида йўлга қўйилмаган. Хусусан, Жиззах туманидаги "Қулама", "Ҳамзаобод", "Оқ олтин", Жиззах шаҳридаги "Ёшлик", "Кимёгар", "Наврўз", "Заргарлик" каби қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул ходимлари томонидан қонуннинг ушбу талабларига риоя қилинмаган. Нафақа тўлаш рад этилган айрим мурожаатлар юзасидан фуқароларга ёзма равишда жавоб хатлари юборилмаган.

Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул ходимлари томонидан фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси ҳамда маъмурий комиссияси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитиш каби ваколатларини амалга ошириш борасидаги ишлар қонун талаблари даражасида эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари молия-хўжалик фаолиятини текшириш мақсадида тузиладиган тафтиш комиссияси аъзолари томонидан зиммаларига юклатилган вазифалар бажарилмасдан, масъулиятсизликка йўл қўйилган. Аксарият фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида пул маблағларининг сарфланиши устидан назорат ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига шароит яратилган. Жумладан, Жиззах шаҳридаги "Жиззахлик", "Олмазор", "Сайилжойи", Жиззах туманидаги "Иттифоқ", "Олмачи", "Қўшкўприк", "Тошкентлик", "Мулканлик", "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги тафтиш ҳамда маъмурий комиссиялари аъзолари тегишли Низомлар билан ўзларига юклатилган вазифалар ҳақида тушунчага эга эмас, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссия эса амалда фаолият кўрсатмаган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра ноқонуний қарор ва ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида 175 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари ва уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 24 та тақдимнома киритилди. 8 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 95 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Айбдор шахслардан етказилган 13,4 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланиб, 31,5 млн. сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 60 та даъво аризалари киритилди. Жиззах туманида 1 та ва Мирзачўл туманида 2 тадан жиноят ишлари қўзғатилди.

Вилоят, шаҳар ҳамда туман молия бўлимларининг масъул ходимлари томонидан кам таъминланган ва болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши талаб даражасида назорат қилинмаганлиги, бу соҳадаги қонунбузилиши ҳолатлари ўз вақтида аниқланиб, тўпланган ҳужжатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиши таъминланмаганлиги натижасида фуқаролар йиғинларининг мансабдор ва масъул шахслари томонидан суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйилган. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нафақа тайинлашда ижтимоий адолат тамойиллари бузилган. Натижада давлат манфаатларига жиддий зарар етказилишига шароит яратилган.



## «Нидиқ» почтасидан

# Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

***Ҳурматли «Нидиқ» газетаси таҳририяти! Мен газетангиз орқали республика Бош прокуратурасига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.***

Мен 2013 йилнинг март ойида Бош прокуратурага мактуб йўллаб, 1998 йил 7 майда туғилган, болаликдан ногирон қизим Интизор Жуманазарова билан уй-жойсиз яшаётганлигимиз, сарсон-саргардонлигимиз ҳақида ёзгандим.

Шукрки, мурожаатим ижобий ҳал қилинди ва 2013 йилнинг май ойида мен икки хонали турар жой билан таъминландим. Бу ҳам аслида мустақиллик шарофатидир.

Мен каби инсонларнинг ариза ва мурожаатини эътиборсиз қолдирмасдан, ижобий ҳал қилганлиги учун республика прокуратураси ходимларига қизим Интизор Жуманазарова ҳамда ўз номимдан миннатдорчилик билдириб, хайрли ва савобли ишларида омад тилайман.

**Дилбар Каримова,**
Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний шаҳри А.Баҳодирхон кўчаси 48-уй

# Амалий ёрдам туфайли

***Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралаётганлиги жамиятда ишчанлик муҳити яратилишига катта имкон бермоқда.***

Бухоро шаҳар прокуратурасига жорий йилнинг 18 июнь куни тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун амалий ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилган эдим.

Бухоро шаҳар прокуратураси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан 15 кун муддатда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган МАН "Тягач" ва унинг тиркамасини олишга муваффақ бўлдим.

Бугунги кунда нафақат тадбиркорлик, балки ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳимоячисига айланган Бухоро вилоят прокуратураси ходимларига миннатдорчилик билдираман. Уларнинг эл-юрт равнақи, халқ турмуши фаровонлиги, тинчлигимиз барқарорлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларига омад, ўзларига сиҳат-саломатлик тилайман.

**А.Усмонов,**
"Қўнғирот халқаро транс" МЧЖ раҳбари

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари мужассамлиги-ю, қонун устуворлигини ҳақ-ҳуқуқларимиз прокуратура томонидан ҳимоя қилинганда янада чуқурроқ ҳис этдик, десам муболаға бўлмайди.***

# Даъвоимиз қаноатлантирилди

Бухоро шаҳридаги "Азамат" хусусий корхонаси раҳбари С.Жалилов ва вакили Ж.Шариповлар томонидан Бухоро вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, унда Бухоро шаҳар, "Ғиждувон" кўчаси, 100-уй олдида жойлашган иккита савдо дўконининг буздирилиши натижасида етказилган 129 млн. сўм моддий зарарни ундиришлик сўралган. Хўжалик суди томонидан ушбу даъво аризасига асосан, 2012 йилнинг 13 март куни иш очилиб, дастлаб иш бўйича жавобгар, деб топилган Бухоро шаҳар ҳокимлигидан 70 млн. сўм моддий зарар даъвогар фойдасига ундирилган. Кейинчалик, Бухоро вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъатига киритилган протест натижасида вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. 2013 йил 4 февраль куни иш бўйича хўжалик суди томонидан чиқарилган ажримга асосан бизнинг жамият қўшимча жавобгар, деб тан олиниб, суднинг 2013 йил 13 март кунидаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар фойдасига жамиятимиз ҳисобидан 70 млн. сўм моддий зарар, шунингдек, 700 минг сўм миқдорида давлат божи ундирилган. Шундан сўнг биз суднинг ушбу қарори даъвогар томонидан судга тақдим этилган ноқонуний ҳужжатлар асосида қабул қилинганлигини билдириб, жамиятимизга қонуний ёрдам беришни, ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишни сўраб, Бухоро вилоят прокурорига мурожаат қилдик.

Аризамиз эътиборсиз қолмади. Мурожаатимизга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ноқонуний ҳолатлар аниқланиб, Бухоро вилоят "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "Азамат" хусусий корхонасига низоли савдо дўкони учун берилган ВХ серияли 003979-сонли кадастр гувоҳномаси ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 март кунидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида вилоят хўжалик судига биз томонимиздан даъво аризаси киритилди. Даъво аризасига биноан хўжалик иши очилди.

Ушбу иш вилоят прокуратураси ходими иштирокида, даъвогар ҳамда жавобгарлар ўртасида кўриб чиқилиб, 2013 йил 3 июль кундаги ҳал қилув қарорига асосан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъатига хўжалик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига кассация протести киритилди.

Ҳақиқат қарор топди. "Йўловчисервис" МЧЖ кузатув кенгаши ва жамият аъзолари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоячилари ҳисобланган вилоят прокуратураси органлари ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**И.Раҳмонов,**
"Йўловчисервис" МЧЖ раиси

# Кредит олишга муваффақ бўлдим

***Мен корхонани ривожлантириш ҳамда "ISUZU" автобусини олиш мақсадида ДТ "Халқ банки"нинг Узун туман филиалидан 123 млн. кредит олишда амалий ёрдам беришни сўраб, Узун туман прокуратурасида ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефони орқали мурожаат қилган эдим.***

Ушбу мурожаат асосида кредит йиғма жилдидаги камчиликлар Узун туман прокуратурасининг ёрдами билан бартараф этилиб, кредит олишга рухсат бериш учун 2013 йил 22 июнь куни ДТ "Халқ банки"нинг вилоят филиалига юборилди.

Шунга асосан, корхонани ривожлантириш ҳамда "ISUZU" автобусини олиш учун ДТ "Халқ банки"нинг вилоят филиалидан рухсат берилди ва Узун туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан мен ҳозирги кунда ДТ "Халқ банки" Узун туман филиалидан 123 млн. сўм миқдорида кредит олдим ва 6 та "ISUZU" автобусини олиш учун маблағ ўтказиб бердим.

Шуни ҳам айтиш лозимки, прокуратура органларида "007" рақамли ишонч телефонларининг ташкил этилиши ҳамда ҳар ойда тадбиркорлик субъектлари билан ўтказиладиган учрашувлар ва бу тадбирларга прокуратура органлари томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам ва берилаётган ҳуқуқий маслаҳатлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда жуда катта ёрдам бермоқда ва биз каби тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш ва учраётган тўсиқларни бартараф этишда ўз самарасини бермоқда.

**Ҳ.Азимов,**
"Узун шоҳбекати" МЧЖ бошлиғи

# Нафсим менинг балодир...

*2003 йилда ташкил этилган "Кегейли боян" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили режали текшириш ўтказилиб, натижасига кўра жиноят иши қўзғатилди-ю, жамият раҳбари Эльбурс Ауезовнинг "пайтавасига қурт тушди". Аввалига иш бўйича гумонланувчи сифатида қатнашиб келаётган эди. Аммо орадан маълум вақт ўтгач, корхона фаолияти бўйича қайта тафтиш тайинланиб, тафтиш натижасида тахминан 2 млрд. 900 млн. сўмлик зарар аниқланди-ю, бу гапни эшитиб, оёқ-қўли бўшашганча, ўтириб қолди.*

"Чўкаётган хасга ёпишади", деган гап бор. Э.Ауезов ҳам вақтни ўтказмай, жиноий ишни босди-босди қилишнинг уддасидан чиқадиган бақувват таниш ахтаришга киришди. Бир-иккитасига учрашиб кўрди, натижа чиқмади. Ўйлай-ўйлай, охири тоғасининг ҳузурига бош эгиб борди. Бирор таниш топиб берар ёки жўялик маслаҳат чиқар, ахир анча йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган бўлса...

Жияннинг арзи-ҳолини эшитиб, ноилож ёрдам беришга, аниқроғи, бирорта таниш топишга ваъда берган тоға орадан кўп ўтмай уни ёнига чақириб, бир одамнинг телефон рақамини берди-да, "Мени номимдан шу киши билан гаплаш, тайинлаб қўйганман, сенга маслаҳат беради", деди. Э.Ауезов шу заҳоти телефонини олиб, рақамни терди. Ўзини Улуғбек дея таништирган одам пойтахтдаги меҳмонхонанинг номини айтиб, маълум бир вақтдан сўнг ўша ерда учрашишни тайинлади.

Кўп ўтмай икковлон айтилган манзилда учрашишди. Улуғбек Эльбурснинг "дард"ини эшитиб бўлгач, ўзи бир вақтлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлагани, айни пайтда бошқа юмуш билан машғул бўлгани билан юқори лавозимларда фаолият юритаётган танишлари билан салом-алик қилиб туришини айтиб, ўшалар орқали зарар миқдорини камайтириб, ишни ҳал қилиб беришни ваъда қилди. Бу гапдан мамнун бўлган Эльбурс хизмат ҳақи билан қизиқди-ю, Улуғбекнинг оғзидан чиққан суммани эшитиб, "капалаги учиб кетаёзди". 200 минг-а! Яна кўкида-я!

Буниси ҳали ҳолва экан. Улуғбек унинг ранги ўзгарганига аҳамият бермай, гапида давом этди:

— Бу ишни ҳал қиладиганларнинг "доля"си. Менга эса 40 минг доллар берсангиз бўлади.

Эльбурснинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмади. Шунинг учун айни пайтда шунча пули йўқлиги, топишга ҳаракат қилишини айтиб, "халоскор"и билан хайрлашишга ошиқди. Ундан узоқлашгач, шоша-пиша тоғаси билан боғланди-да, бўлган воқеа ҳақида гапириб бериш баробарида, сумманинг жуда ҳам катталиги, қолаверса, негадир бу одамга унчалик ишонмаганлигини ҳам қўшиб қўйди. Унинг гапларидан ҳайрон бўлган тоғаси "эртага ёнимга кел, Улуғбекнинг ёнига бориб, гаплашиб оламиз", дея гапни қисқа қилди.

Эртаси куни тоға-жиян пойтахтдаги меҳмонхоналардан бирига кириб келишди. Улуғбек уларни кутиб турган экан. Салом-аликдан сўнг тоға Улуғбекка юзланиб, ишни тезроқ бошлашни, бирор натижага эришгандан кейин пулни беришларини айтган эди, Э.Ауезов ҳам гапга қўшилди:

— Ака, кеча айтган эдим, ҳозир менда сиз сўраган миқдордаги пул йўқ. Сиз тоғам айтгандек, ишни бошлайверинг, пулни аста-секин тўғрилаб бераман.

— Ие, пулни олмай, ким иш бошлар экан? Ахир бозорга борганингизда ҳам аввал пулни берасиз, кейин нарса сотиб оласиз, тўғрими? Шунақа бўлгач, айтилган пулни келтириб бераверинг. Ишни ҳал қилиш эса бизнинг зиммамизда.

— Унда сиздан битта илтимос, агар ўзингизда пул бўлса, шуни ишга тикиб туринг. Насиб қилса, ошиғи билан қайтариб бераман.

— Нимаям дердим, розиман. Аммо билиб қўйинг, тоғангизга бўлган ҳурматим юзасидан ёрдам бераяпман...

Бу учрашувдан кейин Эльбурс анча-мунча хотиржам бўлган бўлса-да, барибир нима учундир кўнгли хижил эди. Шу боис орадан бир ҳафтача вақт ўтгач, яқин бир танишига бор гапни айтиб берди. Танишининг унга раҳми келди шекилли, Улуғбек билан ўзи ҳам учрашиб, гаплашиб кўришни таклиф қилди. Бу Эльбурсга маъқул бўлди ва у Улуғбек билан қўнғироқлашиб, учрашув белгилади.

Айтилган вақт, белгиланган жойда учовлон учрашишди. Бироқ бу учрашувдан кейин Эльбурс юрак ўйноқи бўлиб қолаёзди. Улуғбекнинг айтишича, у ишни бошлаб, бунинг учун юқоридаги танишларига ўзининг ёнидан 75 минг "кўки"дан берганмиш. Энди Эльбурс унга айтилган миқдордаги пулни бермаса, чатоқ бўлиши, аниқроғи "кўча"даги танишлари орқали уни йўқ қилиб ташлармиш...

Хуллас, икки оғайни Улуғбекка пулни топиб беришни ваъда қилганча, у билан хайрлашишди. Шу куни кечқурун уйқуга ётган Эльбурс мижжа қоқмай, тонг оттирди. Эртасига тоғаси унга қўнғироқ қилиб, "Улуғбекка ишонма, унга бир тийин ҳам бермагин", деди-ю, бу билан "ўлганнинг устига тепгандек" бўлди. Шоша-пиша Улуғбекка телефон қилиб, учрашувга чақирди. Кўп ўтмай Улуғбек ҳашаматли хориж автомашинасида етиб келди. Ҳайдовчига кутиб туришни тайинлаб, ўзи Эльбурс билан салом-алик қилар экан, нима гаплигини сўради.

— Ака, минг бора узр, сизни анча овора қилдим. Хўп десангиз-да, ишни келган жойида тўхтатсангиз. Мени тўғри тушунинг.

Бу гапни эшитган Улуғбек тўсатдан тутақиб кетди:

— Тушунмадим, мени калака қилаяпсизларми? Ёки сизларга ёш боламанми? Ўзларинг ялиниб келдиларинг, тўғри тушундим, йўқ демадим. Тўғрими?! Бу гап энди қаёқдан чиқди?

— Тоғам сизга ишонмасликни, пулни ҳам бермасликни тайинлади. Мен нима қилай ахир?!

— Ким, тоғам? Шунақа дедими? Тавба, менга ишонмаса, нимага олдимга сизни бошлаб келди. Шу ишга ёрдам беринг деб илтимос қилди. Ахир сизларнинг гапларинг билан 75 минг долларимни ишга тикиб қўйдим-ку! Йўқ, энди мен унга ўртага тушиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Танишларимга бир оғиз шипшитиб қўйсам, тамом, узоққа бормайди...

Унинг таҳдидли гапларидан Эльбурснинг ўтакаси ёрилаёзди. Назарида Улуғбек ҳозирнинг ўзида танишларига қўнғироқ қилади-ю, улар шу заҳоти тоғасини қидиришни бошлашади ва... Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Қандай бўлмасин, уни бу қароридан қайтариш керак...

— Ака, бўлар иш бўлди. Тоғамни қўяверинг. У билан ўзим келишаман. Сизга айтилган пулни олиб келсам бўлдими? Бўпти, буёғидан ташвишланманг. Айтганингиздек бўлади. Аммо иш ҳам ҳал бўлади-а?!

— Қанақа тушунмаган одамсиз? Мен юқоридаги одамнинг ёнига қуруқ қўл билан кира олмайман, ахир. Айтилган сумани берасиз, ёрдам ҳам бошланади. Эртадан қолмасин, тушунарлими?..

Эльбурс бўшашганча уйга қайтди. Эртасига кутилганидек, Улуғбек қўнғироқ қилиб, пулни сўради. Ҳозирча иложи йўқлигини эшитгач, жаҳл аралаш танишлари орқали жиноят ишини ҳозиргидан-да оғирлаштириб юборишини айтиб, яна таҳдид қилишни бошлади. Эльбурс бу сафар ҳам ваъда бериб қутулди-да, тоғасига телефон қилиб, бу ҳақда айтган эди, у қўнғироқларга жавоб бермасликни тайинлади. Улуғбек унга телефон қилиб, боғлана олмагач, бир марта Эльбурс билан бирга келиб, ўзига учрашган йигитни эслади. Телефон рақамини ёзиб олган экан, бир-икки марта қўнғироқлашиб, ундан ҳам пул талаб қилди. Орада уларни бир мунча вақт кузатиб ҳам юрди. Сўнгра Эльбурснинг ўша таниши орқали учрашув белгилади.

Пойтахтдаги ҳашаматли кафелардан бирига кириб келган икки дўстни Улуғбекнинг ўзи кутиб олди. Четроқдаги столга ўтириб, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришгач, Улуғбек тўсатдан гапни пулга бурди-да, яна дағдаға қилишни бошлади. Гап орасида гўё Эльбурс ундан 200 минг АҚШ долларини қарзга олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беришни, пулни олган заҳоти тилхатни йиртиб ташлашини ҳам қистириб ўтди. Табиийки, Эльбурс бу шартга кўнмади. Аммо Улуғбек гоҳ яхши гап билан, гоҳ дўқ-пўписа билан охири бунинг ҳам уддасидан чиқди. Тилхатни олгандан кейин эса:

— Бўлмаса, гап бундай, пулни олиб келмагунларингча, иш тўхтайди. Тушунарлими? Агар олиб келмасаларинг, сенлар билан бошқача гаплашаман. Бу, охирги сўзим!

Улуғбек шундай дея улар билан хайрлашмасдан, жаҳл билан чиқиб кетди. Эльбурс бўлса нима қиларини билмай, таниши билан ортга қайтди. Уйга келиб, анча ўйлаб ўтиргач, Улуғбекнинг хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканлигини тушуниб етди-да, тўғри тегишли ташкилотга йўл олди...

Орадан уч кун ўтгач, Эльбурс Улуғбекка телефон қилиб, "омонат"нинг маълум қисмини тайёрлаб қўйганини маълум қилган эди, "ҳозир етиб бораман", деган жавобни олди. Улуғбек кўп куттирмади. Ресторанннинг иккинчи қаватига чиқишгандан кейин Эльбурс ҳозирча 50 минг олиб келгани, қолганини ҳам тез кунларда тўғрилаб беришини айтиб, пул солинган пакетни унга узатди. Улуғбек "бу бошқа гап, энди тилхатни ёқиб юбориш мумкин", дея пакетни чўнтагига жойлаган ҳам эди, уларни тезкор ходимлар ўраб олишди...

Шундай қилиб, муқаддам ИИВ тизимида ишлагани боис, нафақат яхши-ю ёмоннинг, балки қандай хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланиши ва шунга яраша жазо муқаррарлигини ҳам беш қўлдай билса-да, нафсининг қутқусига учраб, ўзи товламачиликка қўл урган Улуғбек Юлдашевнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди ва суд томонидан унга қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

**Азиз МУСАШАЙХОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

**«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

***Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Қува туман ҳокимининг 26.08.2013 йилдаги 971-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда.***

Қува тумани, Тошкент МФЙ, Мурувват кўчасида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун 250,0 кв.м. ободонлаштириш учун 150 кв.м жами 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 2 435 490 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Қува туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 4 октябрь куни соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қува туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 8 октябрь куни соат 11:00да очилади ва

9 октябрь куни соат 10:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. тел. +99895 404 54 84 веб-сайт www.effect.uz Лицензия 0094.**

**Хизматлар лицензияланган**

# Қаровсиз ниҳол «меваси»



*Афсус ва надомадлар бўлсинким, ҳаётда ўз отасининг қотилига айланган падаркуш фарзандлар ҳақида гоҳида бўлса-да, эшитиб қоламиз. Аммо "ота-онага меҳрибон бўлади" дейиладиган қиз боланинг онасини ўлдиртириш учун ёлланма қотилга мурожаат қилгани ҳақида эшитганмисиз?*

Воқеа тафсилотига ўтишдан аввал, бир ҳолатга эътиборингизни қаратишни лозим топдик. Онасини ўлдириб, унинг уй-жойига эга бўлиш мақсадида қотил ёллаган 19 ёшли Нигора Алимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Навоий техника-иқтисодиёт коллежида таҳсил оларди. Шу ерда ҳақли савол туғилади. Унга нима етмас эди? Маълумки, давлатимиз томонидан ёш авлод тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, келажагимиз эгаларининг замонавий шароитларда таълим-тарбия олишига, билим даргоҳини тугатганларидан сўнг эса иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бу борада "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизнинг таълим тизими ягона ва узлуксизлиги ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгилаб қўйилган. Бу жараёнда яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг таълим жараёнларига тўлиқ жалб этилиши ҳамда қизларнинг эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш алоҳида назоратга олинган.

Бироқ Навоий техника-иқтисодиёт коллежи раҳбарияти томонидан қилинган масъулиятсизлик сабаб, Нигора 2011 йилда, яъни 17 ёшида турмуш қурган экан. Бунинг натижасида фарзандли бўлган Н.Алимова ўқишга боришдан доимий равишда бўйин товлаб келган. Коллеж раҳбарияти томонидан эса афсуски, бунга тегишли муносабат билдирилмаган.

Ушбу жиноятнинг бир учи, талабасининг дарсларга мунтазам қатнашмаслигининг сабаблари билан қизиқиб, уни назоратга олмаган коллеж мутасаддиларига ҳам бориб тақалади. Ҳали талаба бўла туриб, турмушга чиққан ва шу ёшда фарзандли бўлган Нигора ҳаёт синовлари олдида довдираб қолади. Турмуш ўртоғи эса ёшгина ёстиқдошини ташлаб, пул топиш мақсадида Россия давлатига ишлаш учун кетади. Орадан бир ой ўтиб, эри Нигорани ҳам ишга чақиради. Ҳали бир ёшга тўлмаган фарзандини онасига қолдириб, у ҳам эрининг изидан жўнайди. Коллеж раҳбарияти бўлса 2012 йилнинг апрелидан декабригача бўлган даврда бошқа мамлакатда бўлган ўқувчисининг тақдири билан қизиқмайди, уни таълим жараёнига жалб этиш чораларини ҳам кўрмайди.

Бундан ташқари, онанинг ўз қизи тақдири билан қизиқмаганлигини ҳам ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Дилдора Тўраеванинг фарзандига бепарволиги туфайли коллежда қандай таълим олаётгани билан ҳам, бир йигит билан нима ишлар қилиб юргани билан ҳам иши бўлмаган. Натижа эса ҳаммага аён. Қизи аввал фарзандли бўлиб, кейин турмуш қурди.

Дилдора Тўраева турмушидан ажрашганидан сўнг қонуний ишнинг бошини тутиш ўрнига, одамларга фоизга пул бериб яшашни одат қилди. Айнан мана шу фаолият унинг ўлимига сабаб бўлди. Дилдора Навоий шаҳридаги "Умид гулшани — Навоий" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Лайло Суяровага фоизи билан қайтариш шарти билан 1 млн. 300 минг сўм пул беради. Мазкур пул ҳисобидан вужудга келган 1 млн. 40 минг сўмлик фоиз тўловларидан қандай қутулиш борасида бош қотираётган Лайло Суярова 2013 йилнинг 7 февраль куни уйига келган Нигоранинг кўнглига қўл солиб кўради. Л.Суярова Н.Алимова ва онасининг муносабатлари ҳавас қиларли даражада эмаслигини яхши биларди. Бундан ташқари, унинг пулга қийналиб юрганидан ҳам хабардор эди. Бунинг устида Нигоранинг ўзи ёрилиб қолди.

— Опа, нима қилишниям билмай қолдим. Мени на эрим, на онам тушунади. Таваккал қилиб Россияга ишлагани кетмоқчи бўлиб турибман.

— Россияга бориб нима қиласан, ўзингни қийнаганинг қолади, — деди Лайло насиҳатнамо. Аслида унинг нияти қизи ёрдамида онасини гумдон қилиш эди, шу боис гапни узоқдан бошлади. — Сенга опалик маслаҳатим, онангни уйида яшаб юравер, уй-жойли бўлиб қоласан.

— Қаёқда опа, онам билан муносабатимизни биласизку?!

— Ҳа, онанг қанақа аёллигини яхши биламан, — дея Нигоранинг фикрини тасдиқлади у. — Онанг қарзини сўраб, жонимни ҳиқилдоғимга келтирди. Жонимга тегиб кетди. Агар тўламасанг, милицияга бераман, деб қўрқитяпти.

У шундай дейиш баробарида энгашиб, Нигоранинг қулоғига шивирлади:

— Агар онангни тинчитсак, сен ҳам уй-жойли бўлиб қолардинг. Бунақа кўчада сарсон бўлиб юрмасдинг. Мен ҳам ундан қутулардим. Хўш, нима дейсан?

Бу таклиф Нигорани ўйлантириб қўйди. Онасидан етарлича меҳр кўрмаган ва ўз навбатида волидасига меҳри суст бўлган фарзанд ўйлай-ўйлай бегона аёлнинг жиноий режасига розилик берди. Улар туни билан шу хусусда гаплашиб чиқишди.

Эртаси куни икковлашиб, Лайлонинг ишхонасига боришди. У ерда уларни шу ширкат ишчиси Дилшод ва қўшни ширкатда ишловчи Зоҳидлар кутиб туришарди. Салом-аликдан сўнг Лайло мақсадга кўчиб қўя қолди.

— Бу қизнинг онасидан фоизга пул олгандим. Кеча олдимга келиб жанжал қилиб кетди, — дея йигитларга назар ташлади. — Шу қизнинг онасини бир нарса қилинглар. Ҳар куни пулини сўраб келавериб, жуда жонимга тегиб кетди. У хотин ҳатто қизининг ҳам жонига теккан. Тўғрими Нигора?

Нигора бош қимирлатиш билан унинг гапини тасдиқлади. Лайло йигитларни қотилликка астойдил ундаркан, Дилшод қатъий оҳангда бу ишга бош қўшиш нияти йўқлини айтди.

— Мен сизларга қўшилмайман, бу ишнинг охири вой бўлади.

Аммо Зоҳиднинг юз-кўзидан розилик аломатлари сезилиб турарди. Айниқса, мукофот пулини эшитганидан сўнг ҳеч қандай эътироз билдирмади.

— Агар шу ишни амалга оширсанглар, Нигора 1 млн. сўм беради. Тўғрими Нигора?

— Ҳа, онамни гумдон қилсанглар 1 млн. сўм бераман — деди Нигора унинг гапини тасдиқлаб.

Зоҳид бу таклифга рози бўлди. Шундан сўнг биргалашиб, Дилдора Тўраевани қандай гумдон қилиш ҳақида режа тузишга киришишди. Турли вариантлар ўртага ташланди. Ахийри бир қарорга келишди — Нигора онасини уйидан олиб чиқадиган, бундан фойдаланган Зоҳид Дилдорани ўлдирадиган бўлди. Режа тузилиб, бажариладиган ишлар ўзаро тақсимлаб олинганидан

**Азизбек НАЗАРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

сўнг Нигора қўлидаги сумкасини шу ерда қолдириб, онасининг уйига жўнади. Уйга борса, онаси ёлғиз ўтирган экан. Кечгача у ерда куймалашиб юрган Нигора осмонга тун пардаси тортилганидан кейин режани амалга оширишга киришди. Онасига сумкаси Лайло опанинг ишхонасида қолганини айтиб, бирга бориб олиб келишни илтимос қилди. Қизининг қора ниятидан бехабар Дилдора унинг раъйини қайтармай, йўлга отланди.

Бу орада Нигора телефон орқали Зоҳидга "объект" кўчага чиққани ҳақида хабар етказди. Она-бола Лайло раислик қиладиган ширкатга келишди ва Нигоранинг сумкасини олиб, ортга қайтишди. Бу пайтда жиноий режага асосан иш тутган Зоҳид уларнинг изига тушди. Ширкатдан узунлиги 40 см. келадиган темир бўлаги билан "қуролланиб" олган Зоҳид атрофда одамлар йўқ бўлган жойга етишганида ҳужумга ўтди. Дилдора кутилмаганда бошига тушган зарбдан додлаб юборди. Зоҳид қўлидаги темир бўлаги билан Д.Тўраеванинг бошига яна бир неча маротаба уриб, тезда жуфтакни ростлади. Бошидан қон сизганича ҳушсиз ётган онасини кўрган Нигора ёлғондан кўз-ёш қилиб, одамларни чақирди. Тез ёрдамга қўнғироқ қилди...

Д.Тўраева зудлик билан Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий Маркази Навоий вилоят филиалининг жонлантириш бўлимига олиб келинди. Афсуски, шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари натижа бермади. Жабрланувчи олган тан жароҳатлари оқибатида жонлантириш марказида оламдан кўз юмди.

Уй-жойга эга бўлиш мақсадида ёлланма қотил кўмагида онасининг ўлимига сабабчи бўлган Нигора хонадоннинг калитини қўлга киритиб, уйга қайтди. Онасига тегишли уйга кириб, пул қидиришга тушди. Кийим-кечаклар учун мўлжалланган қутидан 200 АҚШ доллари топган Н.Алимовани онасининг ўлими ҳеч ташвишга солмади. Онасининг қотилига айланган бу қиз жиноят ортидан бахтли ҳаёт кечираман деб, янглишганини, қилмиши фош бўлиб, ёшлигининг энг гуллаган даврини панжара ортида ўтказишини ўйлаб кўрганмикан?

Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди Нигора Алимова, Лайло Суярова ва Зоҳид Мусаевларнинг ҳар бирига узоқ муддатларга озодлик маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, ниҳолга ўз вақтида етарлича эътибор берилиб, ости ёввойи ўтлардан, танаси ортиқча шохлардан тозалаб турилмаса, келажакда у ўтиндан бўлак нарсага ярамайди. Шундай экан, ёш авлоднинг тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Буни ҳар бир ота-она, таълим даргоҳларининг мутасаддилари, маҳалла-кўй, умуман, барча-барча ёддан чиқармаслиги зарур.

Эълон

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилоят филиалида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

***Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 июлдаги 84-АС-сонли буйруғига ва аукцион комиссиясининг 2-сонли баённомасига асосан, Ҳазорасп туман ҳокимлигига қарашли Ҳазорасп туман "Бешта" қишлоғида жойлашган "Бешта" ФАПнинг бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 138 310 000 сўм.***

— Балансда сақловчининг номи: Хонқа туман ҳокимлиги.

— Фаолият-ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Умумий ер майдони 735,75 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 442,86 кв.м.

Савдо 2013 йил 4 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 3октябрь куни соат 12:00.

Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиалидаги: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат давлат активи сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй.**
**Тел/факс (8-362) 226-32-63.**
**www.1kms.uz.**
**rieltsavdo@inbox.uz.**
**Лицензия RR-0001**
**Хизматлар лицензияланган**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

***I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 июлдаги 145-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2013 йил 29 августдаги 134-П-сонли буйруғига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Шайх Аббос Валий кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси — 95 407 100 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) "Қушхона" бино ва иншоотлари қўйилмоқда.***

Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сақловчининг номи:** Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани ҳокимлиги.

**Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Бинонинг қурилиш ости майдони — 189,51 кв.м.

Умумий фойдаланиш майдони — 3180 кв.м.

II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 июлдаги 145-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2013 йил 29 августдаги 135-П-сонли буйруғига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, "Шимом" ОФЙда жойлашган, бошланғич баҳоси 811 001 700 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) "Ферма мажмуаси" бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сақловчининг номи:** Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани ҳокимлиги.

**Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Бинонинг қурилиш ости майдони — 4648,5 кв.м.

Умумий фойдаланиш майдони — 30500 кв.м.

**Савдолар 2013 йил 9 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.** Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 7 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активлари 2013 йил 9 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 24 октябрь, 8 ва 25 ноябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 24 октябрдаги савдо учун 22 октябрь куни соат 18:00; 2013 йил 8 ноябрдаги савдо учун 6 ноябрь куни соат 18:00; 2013 йил 25 ноябрдаги савдо учун 22 ноябрь куни соат 18:00.

Талабгорлар давлат активлари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача ОАТБ "Турон банк" Нукус ф-лидаги: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат давлат активлари сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117"Б"-уй. Тел/факс (8-361) 222-84-44. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117"Б"-уй. www.1kms.uz. user14@inbox.uz. Лицензия RR-0001

**Хизматлар лицензияланган**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

***Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2013 йил 29 августдаги 133-П-сонли буйруғига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 37-уй жойлашган, бошланғич баҳоси 1 054 575 700 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) "Тикув фабрикаси" бино ва иншоотлари қўйилмоқда.***

Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сақловчининг номи:** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ҳокимлиги.

**Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Бинонинг қурилиш ости майдони — 1158,18 кв.м.

Умумий фойдаланиш майдони — 1,65 га.

**Савдо 2013 йил 7 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.** Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 4 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 7 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 22 октябрь, 6 ва 21 ноябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 22 октябрдаги савдо учун 18 октябрь куни соат 18:00; 2013 йил 6 ноябрдаги савдо учун 4 ноябрь куни соат 18:00; 2013 йил 21 ноябрдаги савдо учун 19 ноябрь куни соат 18:00.

Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 158 186 355 сўм миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача ОАТБ "Турон банк" Нукус ф-лидаги: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат давлат активи сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117"Б"-уй. Тел/факс (8-361) 222-84-44. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117"Б"-уй. www.1kms.uz. user14@inbox.uz . Лицензия RR-0001

**Хизматлар лицензияланган**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

***Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 8 июлдаги 5-Па-сонли буйруғи ва 2013 йил 30 августдаги 2769-01/04-сонли хатига асосан Ургут тумани, Дўстлик маҳалласи, "Почвон" кўчасида жойлашган бошланғич баҳоси 97 378 417 сўм бўлган бўш турган бино ва иншоотлар (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) такроран қўйилмоқда.***

**Давлат активини балансда сақловчи:** Самарқанд вилоят ИИБ ёнғинга қарши курашиш бошқармаси 8-бўлими

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Ёнғинга қарши курашиш

Умумий ер майдони 1844,87 кв.м.

Бино ва иншоотлар эгаллаган ер майдони 336,44 кв.м.

Савдо 2013 йил 7 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 4 октябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги "Давлат активи" 2013 йил 7 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 7 ноябрь ва 2013 йил 9 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 7 ноябрдаги савдо учун 2013 йил 5 ноябрь куни соат 18:00; 2013 йил 9 декабрдаги савдо учун 2013 йил 6 декабрь куни соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача "КМСХ" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги: 20208000604920609025, МФО:00262, ИНН:207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат пули "Давлат активини" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**Хизматлар лицензияланган**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали ўтказиладиган очиқ танлов савдосига таклиф этади.

***Савдога: I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 8 августдаги ХБ-281/08-сонли буйруғига асосан Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Хитой ҚФЙда жойлашган, бошланғич баҳоси 30 555 000 сўм бўлган, Шаҳрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Қўрғон-Дектор" фельдшер-акушерлик пункти (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.***

**Балансда сақловчининг номи:** Шаҳрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармаси.

**Фаолият-ихтисослиги:** Ободонлаштириш.

Умумий ер майдони 425,0 кв.м., қурилиш майдони 91,52 кв.м.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 8 августдаги ХБ-282/08-сонли буйруғига асосан Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Кунчиқар ҚФЙда жойлашган, бошланғич баҳоси 42 007 000 сўм бўлган, Шаҳрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Саксонкапа" фельдшер-акушерлик пункти (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Балансда сақловчининг номи:** Шаҳрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармаси.

**Фаолият-ихтисослиги:** Ободонлаштириш.

Умумий ер майдони 86,40 кв.м., қурилиш майдони 86,40 кв.м.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 8 августдаги ХБ-283/08-сонли буйруғига асосан Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Ипак йўли кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 441 136 346 сўм бўлган, тугатилган "Техчорвасервис" бирлашмасига қарашли "Қарши МКК" (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Балансда сақловчининг номи:** Қарши МКК.

**Фаолият-ихтисослиги:** Транспорт хизмати.

Умумий ер майдони 8825,95 кв.м., қурилиш майдони 909,86 кв.м.

Танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш;

— янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш.

Савдолар 2013 йил 8 октябрь куни куни соат 10:00да Давлат рақобат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) бўлиб ўтади. Буюртманомаларни расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 4 октябрь соат 18:00да.

Юқоридаги давлат активлари 2013 йил 8 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йилнинг 23 октябрь куни ҳамда 2013 йил 8 ва 26 ноябрь кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 23 октябрь кунидаги савдо учун 21 октябрь куни, 2013 йил 8 ноябрь кунидаги савдо учун 6 ноябрь куни, 2013 йил 26 ноябрь кунидаги савдо учун 22 ноябрь куни соат 18:00.

Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО 00190, СТИР: 207122519.

Савдо ғолибига 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат пули давлат активи сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳар, Қарлиқхона МФЙ Тошсарой (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй, "Қашқадарё мулк Маркази" МЧЖ биноси. тел/факс: (8-375) 225-44-58, веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: № RR 0001.

**Хизматлар лицензияланган**

# XALQ BANKI

**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат «ХАЛҚ БАНКИ» жамоаси халқимизни мустақиллигимизнинг 22 йиллиги билан табриклайди. Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!**



**Xalq banki - doim siz bilan birga!**

## «EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

***Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 23.08.2013 йилдаги 1788-01-22-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда.***

1. Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчасидаги "Нурхон" кинотеатр биноси ёнида енгил типдаги музқаймоқ ва салқин ичимликлар шохобчаси қуриш учун 130,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 114 394,8 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 3 ой.

2. Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчасида мини футбол майдончаси ва унинг таркибида ювиниш, кийиниш-ечиниш хоналарини қуриш учун 2400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 2 109 504 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

3. Фарғона шаҳар, Пушкин кўчаси 25-сонли умумтаълим мактаби ён томонида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 52 737.60 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 4 ой.

4. Фарғона шаҳар, Оқариқобод кўчасида гўшт дўкони, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини ўз ичига олган маҳалла гузари қуриш учун 1200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 743 556 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

5. Фарғона шаҳар, Янги замон (Стаников) кўчаси 1"а"-сонли кўп қаватли турар жой биноси орқа томонида мини футбол майдончаси ва унинг таркибида ювиниш кийиниш-ечиниш ва ҳожатхона қуриш учун 2400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 1 696 320 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

6. Фарғона шаҳар, Бозорбоши (Қ.Раҳимов) кўчасида икки қаватли савдо дўкони қуриш учун 196,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 172 276.16 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

7. Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчасида икки қаватли савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва офис биноси қуриш учун 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 126 714,24 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 3 ой.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва

2013 йил 2 октябрь куни соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 4 октябрь куни соат 16:00да очилади ва 7 октябрь куни соат 10:00да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. тел. +99895 404 54 84 веб-сайт www.effect.uz Лицензия 0094. **Хизматлар лицензияланган**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Алим Раимовга падари бузруквори

**Раҳим ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори Мурод Холматовга синглиси

**Гулчеҳрахон ХОЛМАТОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma j-7979. 47 036 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O`.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617